

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

БАБАДЖАНОВ ОЙБЕК АБДУЖАББАРОВИЧ

**РОЗАЦЕА ПАЙДО БЎЛИШИНИНГ КЛИНИК
ВА МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК АСОСЛАРИ**

14.00.11 – Дерматология ва венерология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Бабаджанов Ойбек Абдужаббарович Розацеа пайдо бўлишининг клиник ва молекуляр-генетик асослари	3
Бабаджанов Ойбек Абдужаббарович Клинические и молекулярно-генетические основы формирования розацеа	28
Бабаджанов Ойбек Абдужаббарович Clinical and molecular genetic basis of rosacea formation	53
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	57

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

БАБАДЖАНОВ ОЙБЕК АБДУЖАББАРОВИЧ

**РОЗАЦЕА ПАЙДО БЎЛИШИНИНГ КЛИНИК
ВА МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК АСОСЛАРИ**

14.00.11 – Дерматология ва венерология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузаридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.DSc/Tib623 рақам билан рўйхатдан олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.tashpmi.uz ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталининг www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Арифов Саидқосим Сайдазимович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Летяева Ольга Ивановна тиббиёт фанлари доктори, профессор Вайсов Адҳамжон Шавкатович тиббиёт фанлари доктори, профессор Муҳаммедов Рустам Султонович биология фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Тошкент давлат стоматология институти

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___»_____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.В.Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Э.А.Шамансурова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.И.Ахмедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда дерматокосметологик патологиялар орасида розацеа энг кенг тарқалган касалликлардан бири ҳисобланади. Касалликнинг турли популяцияларда тарқалганлик даражаси «2–12% атрофида ўзгариб туради ҳамда кўпинча терининг I ва II тури бўлган шахсларда, аёл жинсига мансуб беморларда кузатилади, 30–50 ёшда эса касаллик энг авжига чиқади; териси тўқ рангли африкалик, лотинамерикалик ёки осийлик шахсларда розацеа камроқ – тахминан 4% атрофида кузатилади»¹. Касалликнинг популяцияда учраш частотаси юқорилиги, касалланиш даражасининг меҳнатга лаёқатли шахслар орасида ўсиши, касалликнинг юз соҳасида жойлашиши, тез-тез қайталаниши, этиопатогенетик механизмлари чуқур ўрганилмаганлиги, даволашнинг самарали усуллари яратилмаганлиги розацеа муаммосини ўрганишнинг долзарб аҳамиятга эгаллигини кўрсатади.

Жаҳонда розацеа пайдо бўлишининг клиник ва молекуляр-генетик хусусиятларини аниқлаш, даволаш юқори самарадорлигига эришишга йўналтирилган қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада касалликнинг турли клиник шакллари билан оғриган беморларни даволаш механизмларини асослаш, розацеа билан хасталанган беморларда ген полиморфизминини баҳолаш, розацеа билан оғриган беморларда касалликка мос келадиган генлар аллеллари ва генотипларинини комплекс патогенетик даволаш самарадорлигини баҳолаш усуллариини такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизиминини такомиллаштириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикалаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасининг янги босқичга кўтаришда «тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигинини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизиминини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллариини жорий этиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларининг яратиш орқали соғлом турмуш тарзинини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш»²га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда аҳоли орасида турли тери касалликларининг тарқалишининг олдини олиш, замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасининг янги босқичга кўтариш, замонавий технологияларни қўллаш

¹Илина И.В., Масюкова С.А., Санакаев Э.Г. и соавт. Современные аспекты патогенеза и принципы терапии розацеа. Дерматология, 2011. №02. – С. 24–28.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон ««Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимининг тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

усулларини такомиллаштириш орқали касаллик асоратини камайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 29 мартдаги ПҚ–2857-сон «Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ–4063-сон «2019–2022 йилларда юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси даражасини ошириш тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.³ Розацеа пайдо бўлишини клиник, молекуляр-генетик ташхислаш ва даволаш тактикасини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида олиб борилмоқда, жумладан, University of California University Miami National Institutes of Health, National Institute of Allergy and Infectious Disease, Laboratory of Molecular Immunology, National Institutes of Health, Bethesda, Maryland (АҚШ), Aichi-Gakuin University (Япония), Mahidol University (Таиланд), Islamic Azad University Shiraz University of Medical Sciences (Эрон), Hokkaido University (Япония), Sun Yat-sen University (Хитой), University of São Paulo (Бразилия), Medical University of Graz (Австрия), University of Helsinki (Финляндия), University of Western Australia (Австралия), Ukrainian Medical Stomatological Academy (Украина), Yokohama City University (Япония) ва Тошкент педиатрия институти (Ўзбекистон).

Розацеа пайдо бўлишини клиник ва молекуляр-генетик ташхислаш ҳамда даволаш тактикасини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқотлардан қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: тери

³Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.universityofcalifornia.edu, www.niaid.nih.gov, tcell.snu.ac.kr, www.nih.gov, www.agu.ac.jp, mahidol.ac.th, gsia.sums.ac.ir, www.global.hokudai.ac.jp, sysu.edu.cn, www.unipage.net/en/455/university_of_sao_paulo, www.medunigraz.at, www.helsinki.fi/en/university, www.uwa.edu.au, www.umsa.edu.ua, www.yokohama-cu.ac.jp, tashpmi.uz ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

микробиотикасини V3V4 бактериал рибосомал РНК 16S генлари Illumina MiSeq QIIME / MetaStats дастури таъминоти асосида ташхислаш механизми ишлаб чиқилган (Johns University of Hopkins, АҚШ; University of Graz, Австрия); розацеани терига хос микроскопик, микробиологик, клиник ва генетик кўрсаткичлар орқали дифференциал ташхислаш тизими ишотланган (University of Gothenburg, Швеция); тери касалликларида учрайдиган кандидозларнинг *Candida albicans* тури тарқалиш ва ташхислаш тизими ишотланган (University of California, АҚШ); замбуруғли касалликларда IL-17A, IL-17F ва IL-17AF шиллик қават цитокинларининг ўрни ва аҳамияти ишотланган (National Institute of Allergy and Infectious Disease, National Institutes of Health, Bethesda, Maryland, АҚШ); юқумли касалликлар асорати, ўсма касалликларида кимётерапия натижасида орал ва ошқозон ичак кандидозлари, кандидемия ва сепсис ривожланишининг инвазион механизми асосланган (University of Connecticut, АҚШ); розацеа касаллигини ташхислаш ва даволашда биомаркер стандартларининг ўрни ва аҳамияти ишотланган (University of Pennsylvania, АҚШ); турли рангли тери қопламига эга беморларда эритема, папула, пустулла тарқалишини розацеа касаллигининг ташхислаш иммигаторларида фойдаланиш механизми ишлаб чиқилган (University of California, АҚШ); оғиз бўшлиғи шиллик қавати кандидозда тўқималарда эпителизациянинг ривожланиш механизми асосланган (University of Western Australia, Австралия); розацеа пайдо бўлишининг клиник ва молекуляр-генетик хусусиятларини даволаш усуллари такомиллаштирилган (Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Ўзбекистон).

Дунёда розацеа пайдо бўлишини клиник ва молекуляр-генетик ташхислаш ҳамда даволаш тактикасини такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: касалликнинг турли клиник шакллари билан оғриган беморларни даволаш механизмларини асослаш; розацеа билан хасталанган беморларда ген полиморфизмини баҳолаш; розацеа билан оғриган беморларда касалликка мос келадиган генлар аллеллари ва генотипларини комплекс патогенетик даволаш самарадорлигини баҳолаш усуллари такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Турли муаллифлар томонидан амалга оширилган кўплаб тадқиқотларда яллиғланиш жараёнини бошқаришда иштирок этувчи айрим генлар полиформизми ҳамда розацеага индивидуал мойилликнинг шаклланиш ангиогенезига доир маълумотлардан фойдаланилган. Розацеа билан оғриган беморлардаги HLA-DRA ва BTNL2 генларнинг иккита муҳим соҳаси борлиги ҳамда каталицитин гени – LL-37 одатдагидан кўра кўпроқ экспрессивлашиши аниқланган. Бундай беморларда IL-1β ва IL-6 яллиғланиш цитокинлари маърдан ортиқлиги [Yamasaki K., Gallo R.L. 2009; Chang A.L., Raber I., Xu J. et al., 2015], иммун тизимининг жавоб реакциялари Th-1, Th-2 қоришиқ типлари бўйича шаклланиши ҳамда фибробластлар ва томирлар эндотелийси (VEGF) ўсиш омилларининг юқорилиги аниқланган [Слесаренко Н.А., Леонова М.А., Захарова Н.Б. ва ҳаммуал., 2012; Tsiskarishvili T., Katsitadze A., Tsiskarishvili N.V., et al., 2018].

Беморларда хеликобактер инфекциясига қарши даво муолажалари ўтказилгандан сўнг ўсимталар ва интерлейкин-8 некроз омилининг юқорилиги анча пасайган. Касаллик даврида VEGF ва унинг рецепторлари экспрессияси яққол намоён бўлиши ҳам аниқланган. Яллиғланиш жараёни учун жавобгар генлар полиформизми бўйича олиб борилган кам сонли тадқиқотларда ҳам бир-бирига қарама-қарши фикрлар келтирилган. Бироқ ўзбек миллатига мансуб инсонлардаги розацеанинг ривожланиши учун жавоб берувчи генлар тармоғида VDR генлари, VEGF ўсишининг томирлар эндотелийси билан боғлиқ омилининг ортиши ҳамда яллиғланишга қарши цитокинлар иштироки ўрганилмаган. Сўнгги йилларда розацеанинг келиб чиқишида *Demodex follicularum* инфекциясининг таъсири масаласи олимлар диққат-эътиборини тобора кўпроқ тортмоқда. Уларнинг фикрича, кананинг ушбу тури розацеа билан оғриган беморларнинг яллиғланган терисида тезда кўпаяди, яллиғланиш жараёнини кучайтириб, касаллик клиникасининг оғир кечишига сабаб бўлади [Kubанov A., Gallyamova Y., Kravchenko A., 2019; Katsitadze A., Tsiskarishvili N. et al., 2019]. Ҳозирги кунда розацеанинг келиб чиқиши кўпроқ ошқозон-ичак тизимининг *Helicobacter pylori* томонидан қўзғатилувчи патологияси билан боғланмоқда. Розацеанинг оғир кечиши билан ошқозон-ичак тизимида *Helicobacter pylori*нинг уруғланиши ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. Хеликобактер инфекцияси иммун тизимини фаоллаштириб, яллиғланишга қарши турли цитокинларнинг ажралиб чиқишига таъсир кўрсатиши мумкин. Бунинг натижасида яллиғланиш жараёни кучаяди. *Helicobacter pylori*ни йўқотишга қаратилган даволаш муолажалари ўтказилгач, розацеа билан оғриган беморларда касаллик клиникаси бирмунча яхшиланганлиги кузатилган [Utas S., Ozbakir O., Turasan S., Utas C., 1999; Lazaridou E., Korfitis C., Kemanetzi C. et al., 2017; Yang X., 2018].

Соҳага доир илмий адабиётларда розацеа билан оғриган беморларда касалликни келтириб чиқариши мумкин бўлган микроблар омили ҳамда лаборатор-инструментал маълумотларнинг тадқиқ этилаётган генлар (VDR, TNF- β , IL-1, IL-6 ва VEGF) полиформизми билан боғлиқлигига доир маълумотлар учрамайди. Розацеани даволаш масаласи ҳам бирмунча мураккаб. Боиси даволаш муолажалари натижасида бемор доим ҳам соғаймаслиги, балки касалликнинг зўрайиши кузатилиши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳозирги даволаш усуллариининг биронтаси ҳам на беморлар, на шифокорларни тўлиқ қаноатлантирмайди. Унинг учраш частотаси катталиги, касалликнинг меҳнатга лаёқатли инсонлар орасида, айниқса, кўпаяётгани ва аксарият ҳолларда ўткир кечиши, касаллик этиопатогенетик механизмларининг яхши ўрганилмаганлиги ҳамда уни даволашнинг самарали усуллари топилмаганлиги ушбу муаммо нечоғлиқ долзарб эканлигини кўрсатди. Шу нуқтаи назардан мазкур патология аниқланган организмда розацеанинг пайдо бўлиш механизмини молекуляр-генетик, клиник ва микробиологик жиҳатдан тушунтириш, касалликнинг ривожланишини башоратлаш ҳамда уни даволашнинг комплекс,

индивидуаллаштирилган усуллари ва даволаш-профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ДИТД 01980006703 рақамли «Ўзбекистон худудларида ҳаётнинг дастлабки уч йилида болалар саломатлиги ва ривожланишини комплекс баҳолаш» (2006–2008) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади розацеа патогенези ҳамда клиник кечишида ялғиғланиш чақирувчи цитокинлар (IL–1, IL–6, TNF–β) генлари, ангиогенез оиласи (VEGF) ва D витамини рецепторлари (VDR)нинг полиморф вариантлари ролини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

триггерли омилларнинг таъсирини инобатга олган ҳолда розацеа касаллиги клиникасини баҳолаш;

розацеа билан оғриган беморларда касаллик клиникасини инобатга олган ҳолда VEGF гени полиморфизмини таҳлил қилиш;

розацеа билан оғриган беморларда касаллик клиникасини инобатга олган ҳолда D витамини рецептори (VDR) генини ўрганиш усулларини такомиллаштириш;

розацеа билан оғриган беморлар ҳамда назорат гуруҳларида IL–1 гени полиморфизмини ўрганиш усулларини такомиллаштириш;

розацеа билан оғриган беморларда касаллик клиникасини инобатга олган ҳолда IL–6, TNF–β генлари полиморфизмини баҳолаш;

розацеа касаллиги келиб чиқишида генетик маркерларни микробиологик ва лаборатор-инструментал тадқиқотлар билан уйғунлаштирилган ҳолда таҳлил қилиш;

розацеа билан оғриган беморларда тадқиқ этилаётган генлар аллеллари ва генотипларининг намоён бўлиш даражасига кўра қўлланилаётган даволаш муолажаси сарадорлигини башоратлашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт марказининг дерматология бўлими ва маслаҳат поликлиникасида розацеа ташхиси билан даволанган 140 нафар бемор олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб беморлар ва соғлом инсонларнинг териси, қони ҳамда теридаги инфекция ўчоқларидан олинган биоматериаллар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда клиник, клиник-инструментал, биокимёвий, молекуляр-генетик, иммунологик, статистик каби тадқиқот ва таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

дерматозларнинг умумий ва специфик синтроп хусусиятлари тавсифланган, розацеа ривожланишининг генлар тармоғида VDR генлари,

VEGFA қон томир эндотелиал ўсиш омили ҳамда яллиғланиш чақирувчи цитокинлар иштирок этиши ҳамда улар касалликнинг клиник кечишини башоратлашда муҳим ўрин тутиши исботланган;

розацеа ривожланишида VDR, TNF- β генлар полиморф вариантлари ва VEGFA ўртасида статистик жиҳатдан аҳамиятли алоқадорлик мавжудлиги ҳамда ушбу генларнинг касаллик клиник шаклларига боғлиқлиги исботланган ($P>0,05$);

VEGFA гени полиморфизмида C/C генотиби тошма ва йирингли тошмаларни юзага келтириши ҳамда ушбу локус ўзбек популяциясида розацеа келиб чиқиш эҳтимолини олдиндан башоратлаш имконини бериши исботланган;

VEGFA гени полиморфизми, TNF- β гени функционал нохуш G/A генотиби ҳамда розацеа ривожланишининг *H.pylori*га алоқадор хавфи ўртасида ўзаро ижобий боғлиқлик мавжудлиги ва бу касалликни даволаш усулини танлаш имконини бериши исботланган;

розацеа билан оғриган беморларни VEGFA, VDR, TNF- α , IL-1 β , IL-6 генлар полиморфизмига боғлиқ ҳолда даволашнинг юқори самарадорлиги исботланган;

Demodex folliculorum билан ассоциирланган розацеа ривожланишида VDR гени BsmI G>A полиморфизмининг муҳим аҳамиятга эгаллиги аниқланган. *D. folliculorum* мавжуд бўлганда VDR гени G/A гетерозиготали генотиби ҳамда TNF- α гени полиморфизмининг G/A генотиби бўлган беморларда розацеанинг ривожланиш хавфи ортиб бориши асосланган;

VEGFA, IL-1 β ва IL-6 генлар полиморфизми *Demodex folliculorum* бор/йўқлиги билан ассоциацияланмаганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

пуштиранг ҳуснбузарлар ва бошқа турдаги тери касалликларининг шаклланиш механизмларини тушуниш, янги диагностик ва даволаш-профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш усуллари такомиллаштирилган;

яллиғланиш медиаторлари генетик детерминанталарининг кенг доираси ҳамда ангиогенезга алоқадор омилларни профилактик тиббиётда тери касалликлари клиникаси ривожланишини башоратлаш, шунингдек, касалликка чалиниш эҳтимоли юқори бўлган инсонларни аниқлаш механизми ишлаб чиқилган;

розацеа билан оғриган беморлардаги ўрганилаётган генлар полиморфизмининг баъзи маркерлари *Demodex folliculorum* ва *Helicobacter pylori* каби микробиологик кўрсаткичларни ҳосил қилишда қўлланилиш тартиби асосланган;

олиб борилган тадқиқот натижалари асосида розацеанинг ривожланиш хавфини башоратлаш усули такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишида замонавий усул ва ёндошувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг

услубий жихатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, клиник, клиник-инструментал, биокимёвий, молекуляр-генетик, иммунологик, статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, шунингдек, розацеа пайдо бўлишининг клиник ва молекуляр-генетик хусусиятларини ташхислаш ва даволаш тактикаси такомиллаштирилганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти розацеанинг юзага келиши ва клиникасини башоратлаш, розацеага ўхшаш тери касалликлари келиб чиқишининг наслий мойиллик структураси тушунчасига ойдинлик киритиш усуллари ишлаб чиқилганлиги, беморларда микробли омиллар (*Demodex folliculorum* ва *Helicobacter pylori*)нинг тадқиқ этилаётган генлар (*VDR*, *TNF-β*, *IL-1*, *IL-6* ва *VEGFA*) полиморфизмига боғлиқлиги аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти розацеага чалинган беморларда тадқиқ этилган *VEGFA*, *VDR*, *TNF-β*, *IL-1* ва *IL-6* генлари аллелли ва генотипли вариантларининг тарқалганлик даражасига кўра даволаш муоалажаси самарадорлиги баҳоланганлиги, касалликнинг дори-дармонлар билан даволаш жараёнига тегишли ўзгартиришлар киритилганлиги ва бу келгусида ушбу касалликни самарали даволаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Розацеа пайдо бўлишининг клиник ва молекуляр-генетик асосларини ташхислаш ва даволаш тактикасини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Розацеанинг юзага келиш хавфи генетик маркерларини синовдан ўтказишнинг методологик асослари» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 5 февралдаги 8н-д/19-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома розацеанинг юзага келиш хавфи генетик маркерлари орқали касалликни ташхислаш, келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва даволаш тактикасига янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш имконини берган;

«Генетик предикторларни баҳолаш асосида Ўзбекистонда розацеа юзага келишининг индивидуал хавфини башоратлаш» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 5 февралдаги 8н-д/19-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома розацеанинг этиологик ва патогенетик ривожланишида генетик предикторларни баҳолаш орқали касаллик ривожланиш тизимини индивидуал баҳолаш тактикасини ишлаб чиқиш имконини берган;

розацеа пайдо бўлишини клиник ва молекуляр-генетик ташхислаш ва даволаш тактикасини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Республика тери-таносил касалликлари шифохонаси, Жиззах вилоят тери-

таносил диспансери, Фарғона вилоят тери-таносил диспансери ҳамда Тошкент вилояти тери-таносил диспансери клиник амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 26 сентябрдаги 8н-з/154-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга татбиқ этилиши ушбу касалликка чалинган беморларда касалликнинг қайталаниш частотасини таққослаш гуруҳига нисбатан 1,8 баравар камайтириш, розацеани ташхислаш ва даволаш стандартларига молекуляр-генетик тадқиқотларнинг киритилиши адекват даволаш самарадорлигини 15% га ошириш, даволашга кетадиган сарф-харажатлар миқдорини 1,8 баравар камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 176 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Розацеанинг клиник белгилари ва даволаш методлари ҳақидаги замонавий тасаввурлар**» деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий адабиётлардаги маълумотлар асосида розацеанинг этиологияси ва патогенези ҳақидаги замонавий қарашларнинг назарий жиҳатлари, шунингдек, унинг келиб чиқишида генетик омилларнинг ўрни таҳлил қилинган ҳамда тизимлаштирилган. Розацеани даволашнинг замонавий методлари изоҳланиб, мазкур тери касаллигига доир бугунги кунга қадар ўз ечимини топмаган жиҳатларга тўхталиб ўтилган.

Диссертациянинг «**Розацеа пайдо бўлишининг клиник ва молекуляр-генетик асослаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида клиник материалнинг умумий тавсифи, розацеа билан оғриган беморларни

даволаш самарадорлиги даражалари, шунингдек, тадқиқотнинг молекуляр-генетик, биокимёвий ва микробиологик методлари кўрсатилган.

Клиник кузатувимиз остида розацеага чалинган 27-69 ёш оралиғидаги 140 нафар бемор бўлди. Уларнинг ўртача ёши $40,0 \pm 1,7$ ёшни ташкил қилиб, 126 нафари, яъни 90 фоизи меҳнатга лаёқатли (27-6) ёшда эди. Уларнинг 103 нафари (73,6%) аёл, 37 нафари (26,4 %) эркак. Эркак ва аёллар ўртасидаги нисбат 1:2,7 ни ташкил этди.

Таҳлиллар розацеадан азият чекиш давомийлиги 1 ойдан 13 йилгача бўлиши мумкинлигини кўрсатди. Касалликнинг ўзи эса турли муддат – бир неча ҳафтадан 16 йилгача давом этиши мумкин. 140 нафар бемордан 18 нафари (12,85%) касаллик билан 6 ойгача, 31 нафари (22,14%) 6-12 ой, 44 нафари (31,42 %) – 1-5 йил, 28 нафари (20%) – 5-10 йил ҳамда 19 нафари (13,6%) 10 йил оғриган. Бундан кўринадики, беморларнинг аксарияти (31,42%) розацеа билан 1 йилдан 5 йилгача оғриган.

II бобда тадқиқотнинг молекуляр-генетик, яъни розацеага чалинган беморларда VDR, TNF- β , IL-1, IL-6 ва VEGFA генларини аниқлаш меодлари изоҳланган. Ушбу методлар қуйидаги босқичларни ўз ичига олган: қон олиш, томирдан оқаётган қон намунасидаги лимфоцитлардан ДНК ажратиш олиш, полимеразли занжир реакцияси (ПЦР) ҳамда электрофорез жараёнини ўтказиш ва натижаларни чиқариш.

Розацеа билан оғриган беморларда касалликни келтириб чиқарувчи микробли омиллар ва тадқиқ этилаётган генлар (VDR, TNF- β , IL-1, IL-6 ва VEGFA) полиморфизми ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ўрганиш мақсадида нафас олдириш асосида ўтказилувчи ноинвазив “Хелик” тести ёрдамида *Helicobacter pylori* ҳамда микробиологик усул асосида *Demodex folliculorum* тадқиқ этилди.

Олинган маълумотларнинг статистик таҳлили жараёнида кўлланиладиган амалий дастурлар пакети ёрдамида уларнинг ўрта арифметиклиги (M), оғишнинг ўртача квадратлиги (y), стандарт хатолик (m) ва нисбий ўлчовлар (частота, %) ҳисоблаб чиқилиб статистик таҳлил қилинди. Статистик нуқтаи назардан муҳим ўзгаришлар сифатида ҳаққонийлик даражаси $P > 0,05$ танлаб олинган.

Диссертациянинг «**Розацеа билан оғриган беморларнинг клиник тавсифи**» деб номланган учинчи бобида тери касаллигининг келиб чиқиши ёхуд ривожланишига сабаб бўлган асосий омиллар, розацеа билан бирга кечадиган хасталиклар, муқаддам яратилган даволаш усуллари таҳлил қилиниб, розацеанинг клиникаси изоҳланди ҳамда 3 та клиник кузатув ҳақидаги маълумот келтирилди. Сўров натижасида беморларнинг 108 нафари (77,1%) касаллик сабабини айтиб бера олган. 35 нафари (25%) касалликнинг келиб чиқиши ёки кучайишини неврологик патологиялар (стресс, эмоционал толиқиш, невроз ва бошқалар), 26 нафари (18,6%) – қуёш таъсирида нурланиш, ҳаво ҳақроратининг ўзгарувчанлиги, совуқ шамоллар, 17 нафари (12,14%), овқатланиш тартиб (иссиқ чой, кофе, аччиқ нарсалар истеъмол қилиш), 13 нафари (9,3%) – ошқозон-ичак касалликлари, 1 нафари (8,6%)

косметика воситаларидан фойдаланиш, 5 нафари (3,6%) шамоллаш билан боғлаган.

Розацеа миллий жамиянинг тавсифига кўра, 140 нафар бемор ичидан 10 нафари (71,4%) касалликнинг эритемато-телеангиэктотик, 40 нафари (28,6%) папуло-пустулёз субтиплари билан оғриган. 21 нафар (15%) беморда блефарит ва конъюнктивит билан бир вақтда кечувчи офтальморозацеа хасталиги кузатилган.

Беморлардаги субъектив ҳиссиётлар таҳлил қилинганда, 35 нафари (25%)да терининг тортилиши, 29 нафари (20,7%) юз соҳасида иссиқлик ва тер қуйилишлари, 17 нафари (12,17%)да қичишиш, 16 нафари (11,42%)да ачишиш ҳисси пайдо бўлганини айтган. Шу билан бирга, беморларнинг 43 нафари (30,71%) юқоридаги ноқулайликларнинг бир нечтасини ҳис этишини таъкидлаган бўлса, 17 нафари (12,17%) да ҳеч қандай аломатлар намоён бўлмаган.

Йўлдош касалликлар розацеа билан оғриган беморларнинг 106 нафари (75,7%)да кузатилган: 59 нафари (42,14%)да ошқозон-ичак касалликлари, 15 нафари (10,71%)да астоне-невротик ҳолат, 14 нафари (10%)да юрак-қон томир касалликлари, 11 нафари (7,86%)да ичак лямблиози, 7 нафари (5%)да гинекологик касалликлар. Йўлдош касалликлар аниқланмаган беморлар атиги 34 нафар (24,3%)ни ташкил қилди.

Розацеага чалинган 12 нафар (8,57%) беморда йўлдош тери патологияси, шу жумладан, 1 нафари (0,71%)да сурункали экзема, 1 нафари (0,71%)да полиморфли фотодерматоз, 1 нафари (0,71%)да чекланган нейродермит, 99 нафари (6,42%)да товон микози аниқланган.

Касалликнинг баҳор-ёз даврида бошланиши ёки зўрайишини 72 нафар (51,4%) бемор қайд этган.

Аксарият беморлар бизга мурожаат қилгунга қадар турли даволаш муолажаларини қабул қилинган. Хусусан, 81 нафари (57,85%) фақат жароҳатланган соҳани даволатган, 34 нафари (24,3%) ушбу муолажани тизимли муолажа билан уйғунлаштирган. 19 нафар (13,6%) бемор олинган муолажасининг номини билмаслигини, 6 нафари (4,3%) эса умуман ҳеч қандай даво чорасини кўрмаганини айтган.

Қолаверса, беморларнинг 21 нафари (15%) дарсонваль, ультратовуш, паст интенсивли гелий-неонли лазеротерапиядан фойдаланган.

Диссертациянинг «**Розацеа билан оғриган беморларда молекуляр-генетик тадқиқотлар олиб бориш**» деб номланган тўртинчи бобда ҳам 140 нафар хуснбузарли беморлар, ҳам назорат гуруҳидага кирувчи инсонлардаги яллиғланишга қарши цитокинлар (TNF- β , IL-1, IL-6 ва бошқалар)нинг генлари, VEGFA оиласига мансуб генлар ҳамда D витамини рецепторининг гени (DVR) ўрганилди.

Тадқиқ этилаётган генларда полиформизм жараёни нечоғлиқ кучли намоён бўлишини аниқлаш мақсадида розацеа клиник манзарасидан келиб чиққан ҳолда беморлар икки гуруҳга ажратилди: эритематоз-телеангиэктотик (А кичик гуруҳи) ҳамда папуло-пустулёзли (Б кичик гуруҳи) субтиплари.

Касалликнинг эритематотелеангиэктотик даври беморларнинг 100 нафари (71,4%), папулопустулёз даври 40 нафари (28,6%)да кузатилди.

Rs1143634 ҳамда rs1800795 генетик маркерларининг SE ва SP кўрсаткичлари 0,33/0,66 ҳамда 0,4/0,64га, AUCнинг самарадорлик даражаси эса 0,52 ва 0,52 га тенг бўлган. Ушбу кўрсаткичлар IL-β гени C3953T ҳамда IL-6 гени C174G полиформизмларининг розацеа касаллиги IVS7 G>A билан BsmI ўзига хослик ва таъсирчанлиги кўрсаткичлари кўпроқ ўзига хослик томонга оғиб, мос равишда SE=0,58 ҳамда SP=0,8ни ташкил қилган. Бунда AUC учун келтириб чиқарилган кўрсаткич классификатор бўйича ҳаққоний қийматлар юқори бўлганда (AUC=0,7) яхши самарадорликни намоён этади. Бу ўзбек популяциясида розацеанинг юзага келиш хавфига бошқа локусларга қараганда VEGA гени G634C полиформизми мустақил тарзда таъсир кўрсатиши мумкинлигидан далолат беради.

Беморлар ва назорат гуруҳларида G>A генининг BsmI IVS7 полиформизми (полиформизмнинг халқаро коди rs1544410) (VRD: BsmI G>A) ва D витамини рецептори (VRD) аллель ҳамда генотипларининг тақсимот частотаси ўрганилди. Rs1544410 генотипи учун шу нарса аниқландики, статистик нуқтаи назардан G/G гомозиготли генотипининг ҳақиқий миқдори назарий жиҳатидагига қараганда бироз пасайган (мос равишда 57,93% ва 58,6%, шунда $\chi^2=0,01$; $p>0,05$). Шу билан бирга гетерозиготларнинг кузатувдаги частотаси (G/A) ҳам кутилган қийматдан кўра юқорирак (37,24% ва 35,9% мос равишда, шунда $\chi^2=0,073$; $p>0,05$).

Тадқиқотда иштирок этган гуруҳларда қайд этилган A/A генотипининг тақсимот частотаси ҳам PХВ га мос экани кўрсатилди. Ўз навбатида, бу ҳақда $p>0,05$ қиймати далолат бериб турарди.

Шундай қилиб, мазкур локус учун D кўрсаткичи ижобий ҳисобланади, яъни $p>0$ кўринишга эга. Беморлар гуруҳида Нехр қиймати 0,5 кўрсаткичига яқин бўлиб, айти ҳолат мазкур локуснинг популяциядаги гетерозиготлигидан далолат беради. Тадқиқ этилган гуруҳларда гетерозиготлик частотасининг юқорилигини (Нехр=0,14) мазкур генотипнинг популяцияга ўта мослашганлиги билан боғлаш мумкин, эҳтимол.

Беморларда назорат гуруҳидаги инсонлардагидан фарқли ўларок, rs1544410*A аллели статистик нуқтаи назардан ҳаққоний ҳолатда юқори экани намоён бўлди (32,1% ва 21,0 мос % равишда), rs1544410*G аллели эса, аксинча, кўпроқ назорат гуруҳида учраган (79,0% ва 67,9% мос равишда) ($\chi^2=9,03$; $P=0,003$; OR=1,8; 95% CI 1,219, 2,594).

Касалликнинг эритематоз-телеангиэктотик босқичини бошидан кечираётган беморлар (А кичик гуруҳи)да rs1544410*A аллели 21,0% ўрнига 29,0% частотаси билан намоён бўлган ($\chi^2=4,1$; $P=0,04$; OR=1,5; 95% CI 1,012, 2,324), папуло-пустулёз босқичидаги беморларда эса (Б кичик гуруҳи) бу кўрсаткич мос равишда 40,0% ва 21,0 % ни ташкил қилди ($\chi^2=12,0$; $P=0,0005$; OR=2,5; 95% CI 1,475, 4,248). Бир-бири билан таққосланаётган А ва Б кичик гуруҳларида rs1544410*A аллелининг тақсимот частотаси бўйича ҳеч қандай ўзгариш аниқланмади ($\chi^2=3,2$; $P=0,07$; OR=1,6; 95% CI 0,9496, 2,805).

Беморларда rs1544410*G/A гетерозигот генининг ҳаққоний бирикувчанлиги соғлом индивидлар гуруҳидагига қараганда юқори экани аниқланди – мос равишда 50% ва 37,2%. Мазкур генотип эгаларида касалликнинг юзага келиш хавфи бошқаларга қараганда 1,7 барабар кўп ($\chi^2=4,7$; $P=0,03$; $OR=1,7$; 95% CI 1,051, 2,703). Шуниси қизиқки, розацеа билан оғриган беморларнинг rs1544410*A/A гомозигот генотипли қисмида ҳаққоний бирикувчанлик аниқланмаган (мос равишда 7,1% ва 4,8%, $\chi^2=0,7$; $P=0,4$; $OR=1,5$; 95% CI 0,5606, 4,102).

Йиғинди ҳолатидаги G/A+A/A нохуш генотипли розацеа билан оғриган беморларда кўпроқ намоён бўлган (57,1% ва 42,0% мос равишда; $\chi^2=6,5$; $P=0,01$; $OR=1,8$; 95% CI 1,148, 2,937).

Rs1544410*G/G ёввойи генотипининг аниқланиш частотаси назорат гуруҳида 57,9% ни ташкил қилган бўлса, беморларда 42,9% эди, холос. Бунда рақамлардаги фарқ энг юқори даражага етганини таъкидлаш жоиз ($\chi^2=6,5$; $P=0,01$; $OR=0,5$; 95% CI 0,3405, 0,8713).

Касалликнинг турли босқичларини бошидан кечирган беморларда rs1544410 полиморф локуси аллель ва генотипларининг тақсимланиш частотаси соғлом инсонларники билан солиштирилганда айтарли фарқ йўқлиги маълум бўлди ($p>0,05$).

Шундай қилиб, олинган натижалар VDR генининг rs1544410 полиморфизми А аллели ҳамда А/А гомозигот генотипи Ўзбекистонда розацеанинг келиб чиқиш хавфини белгиловчи муҳим маркерлар экани тўғрисидаги тахминни илгари суриш имконини беради. Rs1544410G аллели ҳамда rs1544410G/G гомозигот генотипи мазкур касалликнинг ривожланишини тўхтатиб турувчи маркерлар ҳисобланади ($p>0,05$).

Тадқиқот давомида аниқланишича, G аллели ва VDR генининг rs1544410 полиморфизми G/G полиморфизми розацеанинг келиб чиқиш хавфини пасайтирувчи маркерлар бўлиб, А аллели ҳамда А/А генотипи, аксинча, мазкур хавфни оширади (айниқса, касалликнинг папуло-пустулёз босқичини бошидан кечираётган Б кичик гуруҳда).

Беморлар орасида (айниқса, Б кичик гуруҳда) rs1544410 А/А гомозигот генотипи назорат гуруҳидаги инсонлардагига қараганда анча кўп учрайди. Бироқ мазкур генотип ташувчиларининг сони унчалик кўп бўлмагани туфайли натижалар статистик қийматга етмаган ($p>0,05$).

Беморлар ва назорат гуруҳларида Харди-Вайнберг қонуни асосида TNF α гени G308A полиморфизми аллель ҳамда генотипларининг тарқалганлик частотаси ўрганилганда тадқиқотга жалб қилинган беморлар гуруҳида гомозигот генотипининг PХВ дан анча фарқ қилиши маълум бўлди ($\chi^2=6,6$; $P=0,01$). Бундай ҳолат асосий гуруҳнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Ўрганилган гуруҳларда гетерозиготликнинг кутилган ва кузатилган частоталари ўртасидаги тафовут тадқиқ этилиши натижасида мазкур маркер гетерозиготлик дефицити индекси юқори экани маълум бўлди. Гомозиготлар миқдорининг меъеридан ортиқлиги туфайли D кўрсаткичи – 0,06 дан 0,2

гача. Бундан мазкур гуруҳга мансуб беморларда пуштиранг хуснбузарларнинг келиб чиқиш хавфи анчайин юқори деган тахминни илгари сурса бўлади.

Демак, ушбу локус учун D кўрсаткичи манфий бўлиб, <0 га тенг.

Беморларнинг асосий гуруҳи ҳамда назорат гуруҳида rs1800629G ва rs1800629A аллелари частотаси мос равишда 82,1% ва 17,8% ҳамда 92,1% ва 7,9%ни ташкил қилган. Бир вақтнинг ўзида аллелларнинг тадқиқ этилган гуруҳлар бўйича тақсимоти бир-биридан анча фарқланди, яъни беморларнинг асосий гуруҳи ($\chi^2=12,6$; $P=0,0004$; $OR=2,5$; 95% CI 1,494, 4,263) ҳамда касалликнинг эритематоз-телеангиэктотик субтипи кузатилган кичик гуруҳда ($\chi^2=24,7$; $P<0,05$; $OR=3,7$; 95% CI 2,146, 6,262) rs1800629A нохуш аллели юқорирок.

Розацеанинг папуло-пустулёзли босқичини бошидан кечираётган (Б кичик гуруҳидаги) беморлар билан назорат гуруҳида аллеллар частоталари ўзаро солиштириб кўрилганда статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқ аниқланмаган ($\chi^2=3,0$; $P=0,09$; $OR=0,3$; 95% CI 0,06867, 1,29). Бунда розацеа билан касалланган беморларнинг А ва Б кичик гуруҳлари ҳам бир-биридан сезиларли равишда фарқланган. Розацеанинг папуло-пустулёзли босқичини бошидан кечираётган беморларда rs1800629A аллели частотаси 12,3 баравардан кўп пастлиги намоён бўлди ($\chi^2=18,1$; $P<0,05$; $OR=12,32$; 95% CI 2,916, 52,01).

Беморлар гуруҳида TNF- α генининг rs1800629*G/A нохуш гетерозиготли генотиби частотаси назорат гуруҳидагидан кўра бирмунча кўп бўлган (мос равишда 35,7% ва 15,9%, $\chi^2=14,3$; $P<0,05$; $OR=3,0$; 95% CI 1,677, 5,179). Эҳтимолларнинг нисбат коэффициентига кўра, мазкур генотип эгаларида розацеанинг келиб чиқиш хавфи гомозиготли ёввойи генотип соҳибларникига қараганда 3 баравар юқори.

Касалликнинг эритематоз-телеангиэктотик субтипи кузатилган беморларни популяция ичидан саралаб олинган индивидлар билан солиштириш жараёнида ҳам статистик жиҳатдан ҳаққоний тафовутлар аниқланди ($P<0,05$). Мазкур гуруҳларда rs1800629*G/A гетерозигот генотипининг частотаси мос равишда 48,0% ва 15,9%ни ташкил қилган. Мазкур генотипнинг беморлар Б кичик гуруҳи ва назорат гуруҳидаги тақсимотини таҳлил қилиш жараёнида статистик жиҳатдан аҳамиятга молик фарқ аниқланмаган ($\chi^2=3,2$; $P=0,07$; $OR=0,3$; 95% CI 0,06292, 1,239).

Шуни қайд этиш керакки, юзига пуштиранг хуснбузарлар тошган беморларнинг асосий ва А кичик гуруҳларида ёввойи rs1800629*G/G генотиби частотаси назорат гуруҳидагидан кўра юқоридир ($P<0,05$). Бундай ҳолат мазкур генотип эгаларида касалликнинг юзага келиш хавфи камроқ эканидан далолат бериши мумкин. Ушбу генотип частотасининг Б кичик гуруҳида назорат гуруҳидагига қараганда бирмунча пастлиги қайд этилган (мос равишда 81,1% ва 95,0%), бироқ бундай тафовут статистик жиҳатдан унчалик аҳамиятли эмас ($\chi^2=3,2$; $P=0,07$; $OR=3,5$; 95% CI 0,8073, 15,89).

Пуштиранг хуснбузарли беморларнинг кичик гуруҳлари ўртасида олиб борилган rs1800629 полиформизми генотиплари частоталарининг солиштирма таҳлили натижасида статистик жиҳатдан аҳамиятли тафовутлар аниқланди ($P < 0,05$). Тадқиқ этилган беморлар гуруҳларида гомо- ва гетерозигот генотиплари частоталари қўйидагича бўлган: А кичик гуруҳида — 52,0%, 48,0% ва 0,0%, Б кичик гуруҳида 95,0%, 5,0% ва 0,0% ($\chi^2=23,1$; $P < 0,05$; OR=17,5; 95% CI 4,013, 76,66 ва $\chi^2=23,01$; $P < 0,05$; OR=17,5; 95% CI 4,013, 76,66 мос равишда).

Тадқиқ этилган беморлар ва назорат гуруҳларида TNF- α генининг rs1800629*A/A гомозигот генотиби аниқланмаган.

Шундай қилиб тадқиқот давомида олинган натижаларга қараб инсонда rs1800629*G аллели ҳамда TNF- α генининг rs1800629* G/A генотибига мансублиги билан розацеага чалиниш хавфи ўртасида узвий боғлиқлик бор, деган хулоса чиқариш мумкин.

Беморлар гуруҳида C/C гомозиготлар салмоғи 3,45% ни ташкил қилиб, кутилгандан 2 баравар (1,43%) кўпдир. Популяция гуруҳида генотипларнинг кузатилаётган частоталари ҳам назарий жиҳатдан кутилаётган миқдорга ҳамда Харди-Вайнберг қонунига мосдир.

Гетерозиготлик частотасининг кутилган ва кузатилган миқдори ўртасидаги тафовут қўйидаги кўринишга эга: асосий гуруҳ учун $D=(0,3-0,34)/0,34=-0,14$, назорат гуруҳи учун $D=(0,29-0,32)/0,32=-0,1$.

Гетерозиготлар кутилган миқдорининг озлиги ҳисобига беморлар гуруҳида PХВ мавжуд бўлган шароитда генотиплар кутилган тақсимотининг кузатилганига қараганда бироз камлиги аниқланди, Нобснинг Нехрга қараганда фарқи -0,14 ни ташкил қилган. Назорат гуруҳида мазкур полиморф вариантда кузатилган гетерозиготлик даражаси ҳам кутилгандан паст бўлган ($D=-0,1$).

Қолаверса, генотипларни солиштириш жараёнида IL-1 β генининг функционал жиҳатдан нохуш бўлган rs1143634*C/T rs1143634T/T генотиплари розацеага мойиллик шаклланишида хавфлилик даражасига эга эканини қайд этилди (мос равишда $\chi^2=0,2$; $P=0,6$; OR=1,1; 95% CI 0,6851, 1,84 ҳамда $\chi^2=0,2$; $P=0,7$; OR=0,7; 95% CI 0,1129, 4,168).

Розацеа билан оғриган беморларнинг А ва Б гуруҳларини шартли равишда соғлом индивидлар билан солиштириш жараёнида ҳам нохуш гетеро- ва гомозигот генотипларнинг тақсимотида статистик жиҳатдан бироз тафовут борлиги аниқланган ($P > 0,05$).

Шундай қилиб, солиштирилаётган барча гуруҳларда IL-1 β гени rs1143634 полиформизми бўйича генотип ва аллеллар частоталарининг тақсимот характери бир хил.

Тадқиқ этилаётган IL-1 β гени rs1143634 полиформизмининг пуштиранг хуснбузарлар келиб чиқиш хавфининг ортишидаги роли катта эмас. IL-1 β цитокин интерлейкиннинг мазкур полиформизм бўйича генотип ва аллеллар частоталарининг розацеага чалинган беморлар ва назорат гуруҳи ўртасидаги

тақсимотида статистик жиҳатдан аҳамиятга молик фарқлар борлиги аниқланмади.

IL-6 гени C174G полиформизми (полиформизминг халқаро коди rs1800795) аллель ва генотипларининг розацеага чалинган беморлар ҳамда назорат гуруҳи ўртасида тақсимлангани тадқиқ этилгач, иккала гуруҳ учун ҳам мазкур полиформизм генотипларининг амалдаги тақсимоти назарийсига мос келиши ҳамда HWE ($p > 0,05$) мувозанати сақланган ҳолда гетерозиготликнинг кузатилаётган ва кутилаётган даражалари деярли бир хил экани маълум бўлди. Ўз навбатида, иккала гуруҳда ҳам мазкур полиморф вариант гетерозиготлигининг кузатувдаги даражаси кутилган даражасидан паст бўлган (мас равишда $D = -0,03$ ва $D = -0,12$). IL-6 гени rs1800795 полиформизми аллель вариантлари ва генотиплари билан розацеанинг келиб чиқиши ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш мақсадида мазкур маркернинг розацеага чалинган беморлар ва шартли равишда соғлом донорларда тақсимланиши солиштирма таҳлил қилинди.

Розацеа билан оғриган беморларнинг умумий ва кичик гуруҳларида IL-6 гени rs1800795 полиформизми бўйича популяция ичидан танлаб олинган индивидларда аллель ва генотипларнинг тарқалганлик частотаси ўртасида тафовут аниқланмади ($P > 0,05$).

Олинган натижаларга қараб тўқималараро цитокинни секрециялаштирувчи, яллиғланиш, эндокрин тизими функцияларини мувофиқлаштириш ҳамда моддалар алмашинуви жараёнларида иштирок этувчи IL-6 гени rs1800795 полиформизми розацеанинг келиб чиқишига катта таъсир кўрсатади, деган хулосага келиш мумкин.

VEGFA гени G634c полиформизми (полиформизминг халқаро коди rs2010963) аллель ва генотипларининг розацеага чалинган беморлар ҳамда назорат гуруҳи ўртасида тақсимланиши ўрганилгач, беморлар гуруҳида PХВдан оз даражада фарқланиш борлиги аниқланган ($P > 0,05$). Назорат гуруҳида PХВ мавжуд ҳолатда rs2010963 генотипларининг тақсимланиши кутилган даражада бўлган.

VEGFA гени rs2010963 полиформизми аллеллар турфа хиллиги билан ажралиб туради. Генлар турфа хиллигининг максимал кўрсаткичи гетерозиготлик даражаси нисабатан юқори ($h_{exp} = 48,6$) белган беморларда қайд этилган. Беморлар гуруҳида VEGFA гени rs2010963 полиформизми учун гетерозигот генотипининг меъёридан ортиқлиги аниқланган бўлса, назорат гуруҳида, аксинча, етишмовчилиги кузатилди. Беморлар гуруҳи учун D кўрсаткичининг манфийлиги анчайин юқори бўлиб, < 0 ($D = -0,12$)га тенг. Мазкур факт VEGFA гени rs2010963 полиформизми гетерозигот генотипининг розацеа касаллиги келиб чиқишида билвосита аҳамияти борлигидан далолат бериши мумкин.

Розацеа билан оғриган беморларда VEGFA гени аллеллари (rs2010963)нинг тарқалиш частоталари таҳлили мазкур гуруҳда ушбу миқдор шартли равишда соғлом инсонлар гуруҳидагидан фарқланишини кўрсатди. Беморларда rs2010963*С аллели назорат гуруҳидаги индивидлардан кўра

анчайин юқори бўлган. Кўриниб турганидек, VEGFA гени rs2010963 rs2010963*С мутант аллели кўпроқ беморларда учрайди асосий гуруҳда (31,4 ва 11,4%; $\chi^2=34,2$; $P<0,05$; OR=3,7; 95% CI 2,295, 5,551), А кичик гуруҳида (28,0% ва 11,4%; $\chi^2=22,00$; $P<0,05$; OR=3,0; 95% CI 1,882, 4,875) ҳамда Б кичик гуруҳида (40,0% ва 11,4%; $\chi^2=35,5$; $P<0,05$; OR=5,2; 95% CI 2,92, 9,233). Бошқача айтганда, мазкур аллель розацеанинг пайдо бўлишига тўсқинлик қилмаган.

Бир вақтнинг ўзида беморлар ўртасида rs2010963*С ёввойи аллели назорат гуруҳидагига қараганда камроқ учраган ($P>0,05$), яъни мазкур аллель, аксинча, пуштиранг хуснбузарлар пайдо бўлишининг олдини олган.

VEGFA генининг функционал жиҳатдан нохуш rs2010963*С/G гетерозигот генотиби тадқиқ этилган беморлар гуруҳида энг кенг тарқалгани ҳисобланади. Мазкур генотип беморларнинг асосий гуруҳида назорат гуруҳидагидан кўра кўпроқ тарқалган (мос равишда 48,6% ва 20,0%). Эҳтимоллар нисбийлашуви коэффициентига кўра, мазкур генотипга эга инсонларда розацеага чалиниш хавфи 3,5 мартадан кўпга ортади ($\chi^2=26,0$; $P<0,05$; OR=3,8; 95% CI 2,235, 6,385). Розацеага чалинган беморларнинг А ва Б гуруҳларида ҳам rs2010963*С/G гетерозигот генотипининг тарқалиш частотаси назорат гуруҳидагига қараганда юқорироқ (мос равишда 52,0%, 40,0% ва 20,0%). Мазкур генотип аниқланганида А кичик гуруҳига кирувчи инсонларда розацеанинг юзага келиш хавфи 4,3 баравар ($\chi^2=27,4$; $P<0,05$; OR=4,3; 95% CI 2,462, 7,626) ҳамда Б кичик гуруҳида 2,5 бараварга ортган. Розацеанинг турли босқичларини бошидан ўтказаётган беморларни ўз ичига киритган кичик гуруҳлар бир-биридан унчалик фарқ қилмаган ($\chi^2=1,6$; $P=0,2$; OR=0,6; 95% CI 0,2923, 1,295).

Беморлар ва назорат гуруҳларида энг кам учрагани rs2010963*С/С гомозигот генотиби бўлиб, розацеа билан оғриганларда 7,1%, назорат гуруҳида 1,4% ҳолатда учраган. Солиштирма таҳлил натижасида, шунингдек, мазкур гуруҳлар ўртасида статистик жиҳатдан ҳаққоний тафовутлар ҳам аниқланди ($P>0,05$). Мазкур генотипга эга инсонларда розацеага чалиниш хавфи 5 баравар кўп ($\chi^2=5,9$; $P=0,01$; OR=5,5; 95% CI 1,183, 25,57).

Мазкур генотипнинг тарқалиш частотаси назорат гуруҳидагига қараганда розацеанинг популо-пустулёз субтипига мансуб беморларда кўп бора юқори экани аниқланган (мос равишда 20,0% ва 1,4%). Мазкур генотипли инсонларда касаллик популо-пустулёз субтипининг юзага келиш хавфи 17 баравар юқори ($\chi^2=21,3$; $P=0,05$; OR=17,9; 95% CI 3,623, 88,19).

А кичик гуруҳига кирувчи беморларда назорат гуруҳидагига қараганда мазкур генотип кенгроқ тарқалгани қайд этилди (мос равишда 2,0% ва 1,4%), бироқ статистик таҳлил давомида айтарли тафовут аниқланмади. Эҳтимол, бундай ҳолат мазкур кичик гуруҳига кирувчи беморлар сони унчалик кўп эмаслиги билан тушунтирилар ($\chi^2=0,1$; $P=0,7$; OR=1,4; 95% CI 0,2021, 10,53).

Ёввойи генотипнинг тарқалиш частотаси бўйича назорат гуруҳи, шунингдек, розацеа билан оғриган беморлар гуруҳи ва кичик гуруҳлари статистик жиҳатдан бир-биридан анчайин фарқланиши аниқланди ($P>0,05$).

Rs2010963*G/G ёввойи генотиби назорат гуруҳида кўпроқ учраб (78,6%), розацеа билан оғриган беморларда 44,3%ни ташкил қилган ($\chi^2=34,2$; $P<0,05$; OR=3,7; 95% CI 2,295, 5,551).

A ($\chi^2=27,8$; $P<0,05$; OR=0,2; 95% CI 0,1325, 0,405) ва Б ($\chi^2=27,8$; $P<0,05$; OR=0,2; 95% CI 0,1325, 0,405) кичик гуруҳларида ҳам назорат гуруҳидагига қарагандан мазкур генотип частотасининг анчайин пастлиги аниқланган. А ва Б кичик гуруҳлари ўртасида rs2010963*G/G генотиби частотасининг тақсимланишида статистик жиҳатдан аҳамиятли тафовут кузатилмади ($\chi^2=0,4169$; $P=0,05$; OR=1,3; 95% CI 0,6067, 2,691).

Шу аснода тадқиқот натижаларига қараб пуштиранг ҳуснбузарларнинг юзага келишидаги антогенез жараёнини бошқариш механизмида VEGFA гени rs2010963 полиформизми иштирок этишига доир фараз илгари сурилди.

Розацеанинг келиб чиқиш хавфи билан боғлиқ бўлган генотипик бирикмалар ёки “генлараро комбинациялар”ни аниқлаш мақсадида беморлар ва назорат гуруҳлари ўрасида “геннинг генга таъсири” деб номланган таҳлил олиб борилди.

Ялғизлиги ҳамда ангиогенез жараёнларини бошқаришда иштирок этувчи айрим генлар (VDR, TNF- α , IL-1 β , IL-1 ва VEGFA)нинг бир-бирига нечоғлиқ таъсир кўрсатишини таҳлил этиш натижасида розацеага чалиниш хавфини юзага келтирувчи бири-бирига таъсир кўрсатувчи генлар аниқланди.

Асосий гуруҳда 5 та генотип ичидан 2 тасида кам учрайдиган комбинациялашув аниқланган бўлса, популяцияда бундай генлараро мувофиқлик аниқланмади.

